



Аҳолини, айниқса ёш авлодни ҳар томонлама етук, давр талабларига жавоб берадиган, маънавий, ахлоқий, руҳий ва жисмоний баркамол, ватанга, эл-юртга садоқатли қилиб тарбиялашда шахримиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилаётган маданий-маърифий ва оммавий тадбирларнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

БОҒДА ФОЛЬКЛОР БАЙРАМИ

Айниқса, жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб аталиши муносабати билан боғ маъмурияти томонидан махсус иш режаси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ушбу устувор йўналишдаги режаларни амалга татбиқ қилиш кўтаринки руҳ билан бошлаб юборилди.

Шундай тадбирлардан бири куни кеча бўлиб ўтди. «Улан айтгани келдик» мавзuidaги фольклор байрамида республика-мизнинг таниқли фольклоршунос ва санъатшунос олимлари, халқ бахшилари ва Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари, шунингдек Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган фольклор дасталари иштирок этди.

Боғнинг марказий эстрада май-

дончасида байрамнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг боғнинг бошқа барча саҳналари ва яшил хиёбонларида байрамга ташриф буюрган жамоаларнинг чиқишлари ташкил этилди.

Марказий эстрада майдончасида уюштирилган «Фольклор санъатимиз бугунги кунда» мавзuidaги суҳбатда санъатшунослик докторлари, про-

фессорлар Тўхтасин Фафурбеков, Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Рустам Хужаевлар республика-мизда халқ ижодиётининг тарихий анъаналари ва ҳозирги кунимиздаги ривож ҳақида фикр юритдилар. Суҳбат давомида бу халқ санъатимизнинг турли йўна-

лишларида намуналар ҳам ижро этилди. Айниқса таниқли маданият жонкуяри Санталат ая Сиддиқова томонидан ташкил қилинган кўргазма байрам қатнашчилари кўз олдида ўзгача гўзаллик кашф этди.

Шу куни байрамга шахримизнинг кўплаб аҳолиси билан бир қаторда олий ва ўрта махсус юрлари талабалари ҳам ташриф буюрдилар.

Томошабинларда айниқса Бектемир туман маданият уйи қошидаги Ойхон Ёқубова раҳбарлигидаги «Гавҳар», Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ва Тошкент маданият коллежининг талабалар фольклор дасталарининг махсус тайёрлаб келинган дастурлари катта қизиқиш уйғотди.

Ангрен шаҳар маданият уйи бадий хаваскорлари томонидан ай-тилган ўланлар эса томошабинларга ўзгача кайфият улашди ва уларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Шу куни кун бўйи давом этган халқ ижодиёти байрами боққа ташриф буюрган минглаб дам олувчи-лар меҳрини қозонди.

Боғда иккинчи маротаба ўтказилган ва анъанага айлиб қолган ушбу тадбирни бундан кейин ҳам ҳар йили Наврўз байрами арафасида ўтказишга келишиб олинди.

Ўткир СУЛТОНОВ,
«Оқшом»нинг
жамоатчи мухбири
СУРАТЛАРДА:
тадбирдан лавҳалар.

Ибрат

АЯНИНГ ЎРИГИ ГУЛЛАДИ

Ҳар бир оиланинг ўзига хос анъана ва одатлари бўлганидек, Чилонзор туманидаги «Ме-вазор» маҳалласида яшовчи 92 ёшли онахон Мунаввара ая Шокированинг ҳам хонадонидида ғалати маросимлари бор экан.

— Бу одат бундан йи-гирма йил муқаддам па-дар и бузрукворимиз Йўлдош отамиз вафот эт-ганларидан сўнг анъана-га кирди, — дейди аянинг тўнғич ўғли Шав-кат ака Йўлдош-шев. — Йилнинг ҳар баҳо-ри бош-ланишида, аниқроғи, ўрик гул-лаши би-лан биз фарзанд-лар бир-биримиз билан ха-барлаша-миз-да, онамиз қошига тўплана-миз. Уйи-миз тўйхо-нага айла-ниб кетади.



уларга оқ фотиҳалар бе-риш бахтига муяссар бўлиб турибман. Худога шукр, фарзандларим халқ хизматида бўлиб, бировдан ҳечам кам эмаслар. Илойим, фар-кат ака Йўлдош-шев. — Йилнинг ҳар баҳо-ри бош-ланишида, аниқроғи, ўрик гул-лаши би-лан биз фарзанд-лар бир-биримиз билан ха-барлаша-миз-да, онамиз қошига тўплана-миз. Уйи-миз тўйхо-нага айла-ниб кетади.

Кўзлари ҳамиша ча-наб, ўтаёт-ган умридан миннатдор-ниб кетади.

— Рост, — дейди ая. — Беш фарзандим Муяссар, Мукамбар, Шавкат, Шўҳ-рат, Назиралардан 18 нафар набирам бўлиб, улардан 60 дан ортқ эварам, 5 нафар чеварам бор. Мана, бу йил ҳам болаларни дуо қилиш,

бўлиб яшаётган, орзула-рига эришиб юрган она-хон Мунаввара аянинг ду-оларини олиб қайтар эканмиз, бундай яхши анъана келажақ авлодига, қолаверса, бошқа оил-ларга ҳам яхши ибрат бўлишини талаб қолдик.

Зоир ТУРСУНОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

Муниципал мулк объектлари:

- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Х.Олимжон» майдони, «Пойтахт бизнес мажмуаси»нинг гарбий томонида жойлашган қуйидаги бино қисмлари:
 - 1-қаватидаги, майдони 56 кв.метр бўлган К'-блоки. Бошланғич нархи - 20 445600 сўм;
 - 1-қаватидаги, майдони 27 кв.метр бўлган И'-блоки. Бошланғич нархи - 9857 700 сўм;
 - 1-қаватидаги, майдони 16 кв.метр бўлган Ц'-блоки. Бошланғич нархи - 5841 600 сўм;
 - 2-қаватидаги, майдони 204 кв.метр бўлган 1-блоки. Бошланғич нархи - 74554 661 сўм;
 - 2-қаватидаги, майдони 103 кв.метр бўлган 3-блоки. Бошланғич нархи - 74189 196 сўм;
 - 2-қаватидаги, майдони 192 кв.метр бўлган 4-блоки. Бошланғич нархи - 70 169 093 сўм;
 - 2-қаватидаги, майдони 103 кв.метр бўлган 5-блоки. Бошланғич нархи - 37 642 795 сўм;
 - 2-қаватидаги, майдони 107 кв.метр бўлган 6-блоки. Бошланғич нархи - 39 104 644 сўм;

Бошқа муниципал мулк объектлари:

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, «Хумо-юн» даҳаси, 3а-уйда жойлашган, майдони 481 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 9791 800 сўм;
- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи - 750 000000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 16-уйда жойлашган, майдони 17 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2675 141 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2939 110 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2 540 396 сўм;
- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кир-ки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи - 48 648

225 сўм;

Бошқа объектлар:

- Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фарғона йўли 3-тор кўчаси, 163-уйда жойлашган, «SAVDO NASHRIYOTI» унитар корхонаси (бино ва иншоотлари билан). Бошланғич нархи - 199228 054 сўм.
- Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган, «Промстройиндустрия» ОАЖнинг, ҳурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси. Бошланғич нархи - 59921 772 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdevlatta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуши. Бошланғич нархи - 1 514 250 сўм;
- «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:
 - Станок СМЖ-357. Бошланғич нархи - 1 400221 сўм,
 - Револьверли токарлик станок 1Г 340 П. Бошланғич нархи - 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ ҳудудида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда. Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунидида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz

**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,
Тошкент автомобиль Ҳалқа йўлида жойлашган
«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очик акциядорлик
жамияти жамият акциядорларининг умумий мажлиси**

2004 йил 23 март куни соат 11.00 да

Тошкент шаҳри, Тошкент Ҳалқа йўли, жамият маъмурият биносида ўтказилишини ўз акциядорларига маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.

2. Жамият бошқаруви раисининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи.

3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молия-

вий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссийсининг ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Жамият Кузатув Кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.

7. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.

8. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.

9. Жамиятнинг 2003 йил 2 ярим йиллик молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.

10. Жамиятнинг 2004 йилги иш режа (бизнес план)ни тасдиқлаш.

11. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.

13. Жамият тасарруфидаги асосий воситаларни (руйхат бўйича) жорий харажатларини камайтириш мақсадида шартнома асосида сотишга рухсат бериш.

14. Жамият ҳудудида ижарага берилган жойлардан ундирилаётган ҳақ миқдорларини тасдиқлаш.

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ акциядорлари реестри 2004 йилнинг 22 февраль ҳолатига ёпилган. Акциядорлар соат 10.00 гача руйхатга олинад.

Кўшимча маълумот учун телефон: 195-96-52
Кузатув Кенгаши

**«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очик акциядорлик жамияти
фаолиятининг йиллик ҳисоботи 2003 йилга минг сўм**

Кўрсаткич номи	№ бет	Ҳисобот даври охирига	Кўрсаткич номи	№ бет	Ҳисобот даври охирига	Пул маблағлари	170	16124	Уқшма корхоналарига қарзлар	530	-
АКТИВ						Пул маблағлари					
АСОСИЙ ВОСИТАЛАР:			Тақсимланган фойда (қолланмаган зарар)	360	61493	Дебиторлар жами	220	124577			
Бошланғич (капитал) қиймат (01.03)	010	216008	Мақсадли тушуш ва фондлар	370	68352	Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашиш	230,240	70770	-бошқа кредиторлар	540	28390
Эскириш (02)	011	52515				Бюджет билан ҳисоблашишлар	250	6317	2 БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	550	43233
Қолдиқ қиймат	012	164983	1 БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	400	316430	Бошқа дебиторлар	280,290,300	47490	БАЛАНСНИНГ ПАССИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ	560	359663
Капитал қўйималар (07.08)	030	20074	МАЖБУРИЯТЛАР			2 БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	310	165045	Кўрсаткич номи		Кўрсаткичлар
Шуҳда корхоналариданги акциялар	040	11051				БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ	320	359663	1.Маҳсулот сотишдан тушган тушуш		575807,2
1.Бўлим бўйича жами	110	194618	Кредиторлар жами	460	43233	ПАССИВ			2.Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси		213953,7
ОБОРОТ АКТИВЛАРИ			-мол етказиб беришчилар	470	1521	Низом капитал	330	170000	3.Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси		262172,5
Ишлаб чиқариш заҳиралари	120	13832	-бюджет бўйича қарзлар	480	7702	Резерв капитал	350	16585	Ҳисобот давридаги соф фойда		57076,8
Олиб сотилган товарлар	150	10153	-меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	490	2637						
Келгусиз давр сарфлари	160	359	-бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	510	2983						



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар
бошқармаси ва «Тошкент шаҳар
муниципал биржа маркази» Сизларни биржа
савдоларига таклиф этади.**

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛГАН:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда жойлашган, «Avtomakon» СЯМ ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квадрат метр бўлган дўконлар,
ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси — 3000000 сўм.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида янги қуриладиган турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи:

- майдони 9 квадрат метр (3x3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўқони қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм;
- майдони 36 квадрат метр (6x6) бўлган қурилиш моллари дўқони қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси — 3 500 000 сўм.

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинда
соат 11.00 дан 12 гача ҳамда соат 16.00 дан 17.00 гача.**

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz va info@tshmbm.uz

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

SONY-54, кумушсимон стерео 200 у.е, SONY-63, кумушсимон стерео 300 у.е. Янги телевизорлари сотилади.
Тел: 22-98-05

«Радио деталлари» дўқони ҳар қандай радио деталлари, компьютерлар ва компьютерларни бутловчи қисмлар, электрон техника, аудио ва видео ҳамда ўлчаш аппаратларини харид қилади ва сотади.
Телефон: 68-88-77

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан «INTRAKO S» ёпиқ акциядорлик жамиятига 2001 йил 14 августда берилган қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги G0255- рақамли қувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«02»: ҲОДИСАЛАР

• Бекорчиликдан зериккан К.Расулжон тасодифан миясига урилган «антиқа» бир режани амалга оширмакликни дилига тугди.

У қўппа кундузи Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган 45-уйда истиқомат қилувчи таниши, Д.Гулясовнинг уйига келиб, унга нисбатан куч ишлатиб, 140 АҚШ доллари, 20 000 сўм пули, қўл соати, бир дона компьютер диски ва спорт кийимини тортиб олиб, қочиб кетди. Аммо «бузоқнинг югургани сомонхонага» деганларидек, ушбу талончи ҳам узокқа кетолмади. Мазкур воқеа тўғрисида туман ИИБ га хабар етказилган, ички ишлар ходимлари томонидан айбдор қўлга олинди. Шундай қилиб, Юнусобод туманида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган ушбу шахс бировга тазйик кўрсатиш йўли билан мол-мулкни талон-тарож этганлиги учун ҳозирги кунда қонун олдида жавоб бермоқда.

• Чилонзор тумани ИИБ ходимлари томонидан ўзгалар мулкига қўз олайтирган, бир қўли эгри шахснинг тузган режаси барбод этилди.

Чилонзор туманида яшовчи М.Насим исмли ушбу шахснинг туманининг 4-мавзеи, 16-уйда истиқомат қилувчи фуқаро С.Олимовнинг уйида йўқлигидан фойдаланиб, унинг 60 000 сўмлик «Рекорд» телевизорини ўғирлаб кетатган вақтида ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган осойишталик посбонлари ашёвий далил билан ушлаб олдилар.

• Тошкент вилоятининг Қибрай туманида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган И.Шо-назар ва унинг шериги, Чилонзор тумани, 6-мавзеда яшовчи Б.Дмитрийларга ҳам не-не хаёлий оғзулари билан осонгина қўлга киритган, бировга тегишли ўлжалари насиб этмайдиган бўлди.

Чунки, икки оғайни ўзаро тил бириктириб олишиб, Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, 94-ўйдан, хонадон соҳиби Ю.Ильинскийга тегишли 400 АҚШ доллари ҳамда 120 000 сўм пулларни ўғирлаганликлари боис, бугунги кунда содир этган ноҳўя ҳаракатлари оқибатида юзлари шувут бўлиб қолди.

• Акмал Икромов тумани ИИБ навбатчилик қисмига, Шароф кўчасида жойлашган 13-уйда истиқомат қилувчи фуқаро А.Расулловдан хонадонда номатълум шахслар томонидан ўғирлик содир этилганлиги тўғрисида хабар келди.

Мазкур жиноят юзасидан воқеа жойига жалб этилган тезкор-тергов гуруҳи ходимларининг сай-ҳаракатлари натижасида ўғри аниқланиб, қўлга олинди. Бировнинг хонадонидан умумий нархи 1314000 сўмни ташкил этадиган турли хил уй-рўзгор буюмлари ва кийим-кечакларини ўғирлаб кетган айбдор эса илгари ҳам ноқонуний ҳаракати учун судланишга улгурган бўлса-да, аммо бундан ўзига тўғри хулоса чиқармаган. У Навоий вилоятининг Хатирчи туманида яшовчи М.Рашид экан. Ҳозирда ушбу жиноий иш устидан тергов олиб боришмоқда.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот маркази
инспектори

Тошкент туризм касб-хунар коллежида ўқувчи ёшларнинг маънавияти ва тафаккур дунёсини бойитиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Матновлар

ЛОБАР ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Билим масканида кун кеча шундай қизиқарли тадбирлардан яна бири — «Балли, қизлар!» кўрик-танлови ташкил этилди. Тадбирни кол-леж директори А.Шамсиев очиб, барча иштирокчиларга омадлар тилади.

Кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўрган катнашчилар устозлари, ота-оналари, ён-атрофдаги маҳаллалар вакиллари эътиборига 6 та

шарт бўйича ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Яъни, улар дастурхон безатиш, гулдас-та тузаш, рақсга тушиш, салат тайёрлаш ва бошқа шартлар юзасидан билим-кўникма ва маҳоратларини кўрсатдилар.

Нуфузли ҳайъат аъзоларининг қўйган баҳо-лари бўйича 17-гуруҳ талабаси Умида Мирзаева — «Коллеж маликаси» деган номга сазовор бўлди. Қолган иштирок-

чилар — Г.Абдусатторов, Д.Аҳмедова, С.Тўра-хўжаева, Д.Шабилова, Г.Шомансуровлар эса мафтункор, зукко, қувнок, латофатли, назокатли деган номларга лойиқ эканликларини исботладилар.

Ғолиб ва иштирокчилар коллеж маъмурияти, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти, касаба уюшма кўмитаси, хотин-қизлар кенгаши ва ка-федралар томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: «Балли, қизлар!» кўрик-танловидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.



Бўш вақтингизда

ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРД

МУАММОНОМА							Вазн ўлчови. Оғ азал.	Ширинлик.	Ҳашамли мато. Ҳисоб, натижа.	Кафтол — аш ... (Ўрта аср олим)	Қазилма ёкили. Фасл.	Катта ўғил. Ов. Нота.	Ипак мато. Замин.	Мебель. Араб харфи. 3,14...	Заминдаги биринчи инсон. Пардоз ашёси.
9	5	7	3	5	1	-									
6	4	3	8	5											
4	5	2	5	2											
Вақтли нашр. Нота.											1			2	
Кислород билан биришкан модда.															
Тонг ёруғлиги маъбудаси. Боғловчи.									3						
Ёритқич.															4
Иш ҳақи. Ғўза гули.								5							
Алишер Навоийнинг яна бир таҳаллуси.															
Торли соз. Санъат тури.							6								
Музлаткич маркаси.															
Қозок мумтоз шоири. Авто марка.										7					
Азиз неъмат.															
Ер шарни нусхаси. Италия дарёси.							8								
Мой ва тола олинадиган экин.													9		

Ғозилжон ОРИПОВ тузди.

Газетанинг шу йил 5 март сониди берилган айланма сканворднинг жавоблари:

«Муножот» «Тановар». Раққоса. «Оризул». Тагдўзи. Ҳожиева. Махзуна. Шодиёна. Дилором. Чучмома. Армуғон. Сарафан. Майсара. Увайсий. Макнуна. Мушоира.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
усулида босилади.
5252 нусхада босилди. Қўғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб берилгн масалаларни бўйича турар жойлардаги почта
бузимларида ёки «Тошкент почтматига» — 133-74-05 телефонига
мувожаат қилишниног мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.